

# **ХАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 13-22**

2022 й. «15» 8

348-13-194-ХТ/2022-  
сон

Бүстон ш.

Элликальта тумани халк таълими булими (кейинги ўринда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи А.Нуримбетов ва ООО“MODERN PROEKT NUKUS” (кейинги ўринда "Ижрочи" деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи ДЖ.Ибраимов мазкур Шартномани куйидагилар хакида тұздилар.

## **1. Шартноманинг предмети**

- 1.1. Хак эвазига хизмат күрсатиш Шартномаси бўйича Ижрочи Буюртмачининг топширигига кўра мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун хак тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар" деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: 1-и洛ва бўйича "Коракалпогистан Республикаси Элликальта тумани халк таълими булимига карашли 11- мактаб биносида жорий таъмирлаш ишларига Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши учун"
- 1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати: Шартнома кийматининг 30% микдорида олдиндан тўловни амалга оширган кундан 5 (беш) иш кунида бажаради.  
Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш хукукига эга.
- 1.3.1. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш/далолатномаси имзоланғандан кейин кўрсатилган деб хисобланади.

## **2. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари**

### **2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:**

- 2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.
- 2.1.2. Хизматларни мазкур Шартномани 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлик хажмда кўрсатиш.
- 2.1.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида Шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишига йўл кўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аникланган камчиликларни 10 (ун) кун ичидаги текинга бартараф этиш.
- 2.1.4. Ижрочи Хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

### **2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- 2.2.1. Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланған пайтдан бошлаб мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга хак тўлаш.
- 2.3. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:
  - 2.3.1.Хар кандай вактда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажарилётган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.
  - 2.3.2. Далолатнома имзоланғунга қадар хар кандай вактда Шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланған баҳонинг Буюртмачи Шартномани бажаришдан воз кечганлиги хакидаги хаборнома олингунга қадар кўрсатилган Хизматлар кисмiga мутанособ кисмини Ижрочига тўлаш.

## **3. Шартнома баҳоси ва хисоблашишлар тартиби**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси куйидагилардан ташкил топади:

3.2. Мазкур шартноманинг баҳоси ККС сиз **67 200 000** (олтмиш етти миллион икки юз минг) сўмни ташкил қиласди.

3.3. Буюртмачи томонидан Ижрочига Шартнома баҳосини тўлаш Ижрочининг мазкур Шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварагига **30 %** олдиндан тулаш йули билан амалга оширилади.

#### **4. Низоларни хал килиш тартиби**

4.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан хал этилади.

4.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган такдирда, Тарафлар келишмовчиликларни бартараф килиш борасида конунчилликка кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганлариаан сўнг уларни *Хўжалик судда* кўриб чикишга топширадилар.

#### **5. Коррупцияга карши курашиш шартлари.**

5.1.Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан кўйидагиларни кафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вавда килинмаганлигини;

моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

5.2.Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.3.Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидан шахслар юкоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

5.4.Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

#### **6. Якуний қоидалар**

6.1. Мазкур Шартнома Газначилик булимидан руйхатдан утган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

6.2. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳакикий хисобланади.

Мазкур Шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади.

6.3. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучна эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 7. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Харидор»	«Таъминотчи»
Элликалья туман ХТБ	ООО "MODERN PROEKT NUKUS"
Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 32 19	Манзил: К.Р. Нукус шахри И.Каримов кучаси 163 уй 26 кв
ш/х*100 022 860 352 507 092 100 075 106	Тел./факс: 90 654-95-92
бюджетдан маблаг олувчи	х/в: 20208000905449735001
СТИРи 200 914 240 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Капитал банк г. Нукус
Газначилик бўлинмаси номи	МФО: 01038 СТИР: 308958011
Элликалья Газначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Газна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТшББ МФО 00014	
газначилик бўлин-и СТИРи 201 122 919	
Рахбари:	Рахбари
А.Нуримбетов	Дж.Ибраимов



ИЛОВА №1  
Шартнома № 13-22  
"\_\_\_" 2022 й.

Хисоб китоб.  
Курсатиладиган хамат (бажариладиган иш )

№	Бажариладиган иш (хизмат )тuri	Ул. Бирлиги .	Сони	Бахоси	ККС суммаси	сумма
1	"Коракалпогистан Республикаси Элликалья тумани 11- сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари "	хизмат	1	67 200 000	ККС сиз	67 200 000
Жами:						

Бажарувчи



Дж.Ибраимов

Буюртмачи



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyha mazmuni:** Xo‘jalik shartnomasi.

Ellikqal'a tumni Xalq ta'limi bo'limi va "MODERN PROEKT NUKUS" MCHJ o'rtaida 2022 yil avgust oyidagi 67 200 000 (Oltmis yetti million ikki yuz ming) so'mlik oldi-sotdi shartnomasini rasmiylashtirish to‘g‘risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Ellikqal'a tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 15 avgust kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022 yil 15 avgustda kiritilgan. Xalq ta'limi bo'limi bayonnomasi va maxsulot etkazib beruvchining guvoxnomasi shartnomaga ilova qilinga.

**4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:**

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-I son "Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi O‘zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdag'i shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdag'i shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o‘tkazilganidan so‘ng e’lon qilingan o‘zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakillariga) amal qilishlari mumkinligi ko‘rsatilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi PF-6313-son Farmoniga muofiq. Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlar tomonidan davlat xaridlari bilan bog‘liq tuziladigan shartnomalarda majburiy ravishda korrupsiyaga qarshi qo‘srimcha shartlar belgilanadi.

Shartnomaning tarafi va u tomonidan jalb qilingan shaxslar (yordamchi pudratchi tashkilotlar, agentlar va taraflar nazorati ostidagi boshqa shaxslar) tomonidan korrupsiyaga qarshi qo‘srimcha shartlarga rioya etilmaganda, ikkinchi taraf shartnomani bir taraflama to‘xtatib turishga, bekor qilishga hamda zararni qoplab berishni talab qilishga haqli bo‘ladi deb ko‘rsatilgan.

**Loyiha qonun xujjatlarida ko‘rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsul'ti



S.Nurmaxashev



«15» август 2022 йил

Товар-материал захираларни ҳамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича  
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг  
3-сонли мажлис баённомаси

2022-йил «15» август

саат 15 : 00

Бўстон шахри

Комиссия раиси	<u>Нуримбетов Ахмаджан Ниязимбетов</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими мудири лавозими
Комиссия аъзолари	<u>Хакимов Каҳраман Каримович</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи лавозими
	<u>Бекчанов Ядгор Махсудович</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими баш хисобчиси лавозими
	<u>Арзиев Худашкур Рассакович</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими таъминотчи лавозими
	<u>Юсупов Фарход Севинбаевич</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими мудир ўринбасари лавозими
	<u>Салаев Давронбек Атаханович</u> (Ф.И.Ш.)	Халқ таълимни бўлими шартнома бўлим хисобчиси лавозими

## КУН ТАРТИБИ:

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига кўйидаги маълумотларни берди:

Ушбу энг яхши таклифни танлаб олиш халқ таълимни бўлимининг бюджет маблағлар хисобидан 11- мактаб биносида жорий таъмирлаш ишларига Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва хизматларни амалга ошириш бўйича, Ўзбекстан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом) 58-моддасига мувофик энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши хақидаги портала (http://dxarid.uzex.uz/) ёълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш муддати якунга 5 (беш) иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет оркали 2022 йил 10 август куни 131881-сонли лот жойлаштирилди.

Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги ёълон (http://xarid.uzex.uz/) сайтинда жойлаштирилди.

Танлаб олиш бошлангич сумми: 67 413 303,00 сўм

Шу муддатларда ўзининг тижорат таклифларини кўйидаги қатнашувчilar топшириди:

Таклифларни баҳолаш (сумда)

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошлангич суммаси:	Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф суммаси		
			MODERN PROEKT NUKUS МЧЖ	D-INEX MCHJ	
1.	Муассаса биносини кичик таъмирлаш ишларини олиб бориш	67 413 303,00	67 200 000,00	67 413 303,00	
<b>ЖАМИ:</b>			<b>67 200 000,00</b>	<b>67 413 303,00</b>	

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари хақида"ги Низоми талабларига ҳамда юқорида кўрсатилган маълумотларни хисобга олиб танлаш комиссияси

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- «MODERN PROEKT NUKUS» мчж 11- мактаб биносида жорий таъмирлаш ишларига Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва хизматларни амалга ошириш бўйича. (ҚҚС билан бирга) танлаш ғолиби деб топилсин.
- Ғолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансин. Бунда ғолиб қатнашувчи таклиф қилинган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
- Низом талабларига мувофик танлаш қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш хам баҳолаш муддати таклифлар бериш куни тугашидан 10 (үн) иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
- Халқ таълимни бўлимининг бош хисобчиси Бекчанов Ядгор Махсадович танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига мухокама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топилсин.
- Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишили барча хужжатларни белгилангандан тартибда саклаш таъминлансин.
- Халқ таълимни бўлими бош хисобчиси Бекчанов Ядгор Махсадовичга ушбу 2 (икки) иш куни ичida 11- мактаб биносида жорий таъмирлаш ишларига ўтироzlар келиб тушмади, ғолиб ташкилот MODERN PROEKT NUKUS мчж деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузилсин.

Комиссия раиси

Нуримбетов Ахмаджан Ниязимбетов

(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари

Хакимов Каҳраман Каримович

(Ф.И.Ш.)

Юсупов Фарход Севинбаевич

(Ф.И.Ш.)

Бекчанов Ядгор Махсадович

(Ф.И.Ш.)

Салаев Давронбек Атаханович

(Ф.И.Ш.)